(1451-йил, Самарканд – 1494-йил, Оксув мавзеси, Ўратепа)
(1469-1494)

Темурийлардан бўлган Мовароуннахр хукмдори (1469-1494). Абу Саид Мирзонинг катта ўгли. Онаси – Ўрда Буга Тархоннинг кизи. Отаси унга Самарканд ва Бухоро вилоятлари хокимлигини берган. Кейинчалик Тошкент, Шохрухия ва Сайрамни ўз тасарруфига киритган. Тошкент ва Сайрамни укаси Умар Шайх Мирзога топширган. Хўжанд билан Ўратепа хам бир неча муддат унинг тасарруфида бўлган. 1493-йил Султон Ахмад Мирзо куёви, Тошкент хони Султон Махмудхон билан иттифок тузиб Андижонга – Умар Шайх Мирзога карши юриш бошлайди, улар Андижон, Ахси ва Маргилонни камал киладилар. Шу пайтда Ахсида Умар Шайх Мирзо тўсатдан вафот этиб, тахтга 12 ёшли Бобур ўтирган. Бек ва амирлар халкни душманга карши сафарбар этадилар. Султон Махмудхон Тошкентга кайтиб кетган. Султон Ахмад Мирзо Бобурга Фаргона хукмронлигини “инъом” этиб Самаркандга кайтган, бирок Ўратепага етганда вафот этган. Султон Ахмад Мирзо Мовароуннахрда нуфузи нихоятда баланд бўлган Хожа Ахрорни ўзига пир тутган. Ойша Султон бегим ва Маъсума Султон бегим исмли кизлари Бобурнинг хотинлари бўлган.